

Жаҳрий фарз намозларда хатм қилиш жоизми?

05:00 / 19.01.2017 4054

Аллоҳ таолога беадад шукрлар бўлсинки, юртимизда инсонларнинг диний савиялари кундан-кунга ошиб бораётгани уларнинг динни тўғри тушунишга ундамоқда. Қолаверса, диний пешволаримиз ҳам муқаддас динимиз кўрсатмаларини халқимизга холисона етказиб бормоқдалар. Айрим масжидларимиздаги имомлар, минг шукрлар бўлсинки, шариат масалаларини ўрганиш билан бирга, Қуръони Каримни ҳам тўлиқ ёд олганлар. Аллоҳ таоло уларнинг ажру мукофотларини зиёда қилиб берсин!

Ҳозирги кунда юртимизнинг баъзи масжидларида Қуръони Каримни жаҳрий фарз намозларда хатм қилиш анъанага кирмоқда. Бу жуда қувонарли ҳолат. Аммо баъзан «Бу амал шариатимизда кўрсатилганми?», «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг давриларида бу иш қилинганми?», «Фарз намозида бир рақъатда иккита сурани ўқиш жоизми?», «Фарз намозида суранинг бир қисмини ўқиса бўладими?», «Айнан бизнинг ҳанафий мазҳабимизда бу масалага қандай қаралади?», «Ҳанафий фикҳи матнларида «бир сура» деб айтилган ку», каби эътирозли фикрлар ҳам туғилиб қоляпти. Биз ушбу мақолада мазкур масала бўйича баҳс юритмоқчимиз.

Мавзуни ҳанафий мазҳаби манбаларидан масалага оид матнларни келтирсак:

«Раддул мухтор»да шундай дейилади:

فَوَلَّحَ مَنْ مَلَ وَالْأَيُّ قَرَى نَأُو، رَءَى نَأَثَلَا يِفْ أَدِي غَيَّوَّ رُوَسْ أَرْقَى نَأَسْ أَبْ أَلْ
لُصَفْلَأُ رَكُّي وَ. رَثَكْ أَفِنَاتِي أَمَّهَ نَيَبْ نَأَكْ نَأَلِ رُوَسْ نَمْ وَوَلَّوْ رَخْ نَمَّ رَءَى نَأَثَلَا
رَءَى صَقْرَ رُوَسْ ب

«Бир сурани ўқиб, кейин уни иккинчи ракъатда қайтариш, биринчи ракъатда бир жойдан, иккинчи ракъатда бошқа жойдан ўқиш, гарчи бир сурадан ўқиб, орада икки ёки ундан кўп оят қолган бўлса ҳам, зарари йўқ. Кичик сура билан ажратиш макруҳ».

Бу ерда «зарари йўқ» дегани танзиҳий макруҳни ифода этади. «Қуня»даги макруҳ деб айтилган қатъий гап ҳам шунга йўйилади. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бундай қилганликлари бу ишнинг жоиз эканини билдириш мақсади деб қаралади. Бу эса инсон мажбур бўлмаган ҳолатдadir. Аммо биринчи ракъатда Ан Нас сурасини қироат қилиб, уни қайта ўқишга мажбур бўлса, агар хатм қилмаётган бўлса, иккинчи ракъатга ҳам шу сурани қайта ўқийди (Наҳр). Чунки такрор ўқиш тескари ўқишдан кўра энгилроқдир (Баззозия). Агар Қуръони каримни биринчи ракъатда хатм қилиб тамомласа, иккинчи ракъатда Бақара сурасидан қироат қилади.

«Биринчи ракъатда бир жойдан...»: «Шарҳул-Муня» да шундай дейилади: «Агар биринчи ракъатга бир суранинг ўртасидан ёки бошидан ўқиб, икинчи ракъатга бошқа суранинг ўртаси ёки аввалидан ёки кичик бир тўла сурани қироат қилса макруҳ эмас. Лекин бу ишни заруратсиз қилмаган яхшироқ.

«гарчи бир сурадан ўқиб»: яъни бир суранинг икки жойидан ўқиса, агар улар орасида икки ва ундан кўп оят қолса, макруҳ эмас. Лекин бу ишни заруратсиз қилмаган яхшироқ. (Шарҳул-Муня). Бу масала икки ракъатдаги ҳолат. Аммо бир ракъатнинг ўзида заруратсиз бир жойдан иккинчи жойга ўтса, гарчи улар орасида бир неча оятлар бўлса ҳам, макруҳ ҳисобланади. Агар эсдан чиқариб ўтиб кетса, сўнг эсига келса, оятлардаги тартибни риоя қилиш мақсадида қайтиб ўқийди. (Шарҳул-Муня).

«Кичик сурани қолдириб кетиш макруҳ»: агар уни қироат қилса, иккинчи ракъат жуда чўзилиб кетадиган даражадаги катта сура бўлса, макруҳ эмас. (Шарҳул-Муня). Шунингдек икки кичик сурани қолдирса ҳам, макруҳ ҳисобланмайди. Бу масала икки ракъатдаги қироат масаласи эди. Аммо

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам шом намозида Аъроф сурасини икки ракъатга бўлиб ўқидилар».

Насоий ривояти.

لوسر نأه نعل لىلعت هلل لى ضر بوى أ بى ثى دح ن م اضى أ ةبى ش بى ن ب اى ورو
نىت عك ر لى فى فاعأل اب ب ر غ م ل ا فى أرق هلل

Абу Айюб розияллоҳу анҳуқидинган ривоятда Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шомда Аъроф сурасини икки ракъатда ўқидилар”. Ибн Абу Шайба ривояти.

نىت عك ر لى فى ف ر ج ل ا فى ف ر ق ب ل ا ب أرق ه ن ا ن ع لى لعت هلل لى ضر ر ك ب بى ن ع و

Абу Бакр розияллоҳу анҳудан бомдод намозида Бақара сурасини икки ракъатда ўқигани ривоят қилинади.

ءاشع ل ا ن م ن بى ل و أ ل ا نىت عك ر ل ا فى ف ا ر م ع ل آ ب ه ن ع لى لعت هلل لى ضر ر م ع أرق و
ءاطع و بى ب ع ش ل ا و ر م ع ن ب ا و ر بى ج ن ب دى ع س ن ع ه و ح ن و ا م ه فى ا ه ع ط ق

Умар розияллоҳу анҳу Хуфтон намозининг аввалги икки ракъатига Оли Имрон сурасини бўлиб ўқиди. Саъид ибн Жубайр, Ибн Умар, Шаъбий ва Ато розияллоҳу анҳумдан ҳам шунга ўхшаш ривоят қилинган.

2. Бир сурани икки ракъатда такрор ўқиш.

لله ي ب أ ن ب ورمع ينربخأ لاق بهو نبا انربخأ حل اص ن ب دمأ انربخأ دواد وبأ يور
أرقى هللا لوسر عمس هنأ هربخأ ةنيهج نم الجرنأ ني نهجلا هللا دبعا نبا ذاعم نع
أرقمأ هللا لوسر يسنأ يردأ الف امهيتلك ني تكركرلا يف تزلزلز اذا حبصلا يف
ادمع كلد

Абу Довуд Муоз ибн Абдуллоҳ Жуханийдан ривоят қилади: «Жухайнадан бир киши менга хабар қилдики, Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни бомдод икала ракъати ҳам Залзала сурасини ўқиганларини эшитган экан. Росулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам буни унутиб қўйиб қилдиларми ёки қасддан ўқидиларми билмадим».

Ушбу ривоятни баъзи асҳобларимиз агар бир сурани икки ракъатда такрор ўқиса макруҳ эмаслигига далил қилдилар. Бир ривоятда эса макруҳ бўлади, дейилган.

«Мабсут»да зикр қилинганки, бундай қилиш дуруст эмас. Агар бундай қилиб қўйса ҳам зарари йўқ. Энг афзал иш фарз намозларнинг ҳар икки ракъатида Фотиҳа сураси ва тўлиқ бир сура ўқишдир. (Айнийнинг сўзлари тугади)

Жаҳрий намозларда Қуръони каримни хатм қилиш жоиз дейдиганлар сўзларини қуйидагича далиллайдилар:

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда:

نَارُ الْقَوْلِ ۱ نَمَّ رَسَّيَاتِ ۱ مَ اُوْءَرْقَافِ

«Қуръондан муяссар бўлганича ўқингиз», деган. Бу эса инсонга Қуръоннинг истаган жойидан, истаганча, муяссар бўлганича ўқиши жоиз эканини билдиради.

Росуллоғ соллаллоғу алайҳи васалламнинг даврларида бу иш бўлмагани унинг ножоиз эканини ифода қилмайди. Чунки рамазон ойидаги таровеҳ намозида хатм қилиш ҳам Ҳазрати Умар даврларидан бошлаб урфга кирган.

Пайғамбаримиз соллаллоғу алайҳи васаллам ва саҳобаларнинг фарз намозларда сураларни бўлиб ўқиганлари ривоят қилинган (далиллари юқорида ўтди).

Фиқҳ китобларида намозда Қуръони Каримни хатм қилиш масалалари баён қилинган. Бу эса унинг жоизлигини билдиради. Ундан ташқари, Қуръони Карим ниҳоясини намозда ўқиш мустаҳаб экани ҳам айтилган.

Бунда мусулмонларга Қуръони Каримни йил давомида етказиш имконияти мавжуд.

Инсонларнинг Қуръони каримга бўлган муҳаббатлари зиёда бўлиши ва уни ёд олишга бўлган қизиқишларини уйғотишга туртки бўлади.

Хатм вақтида раҳмат нозил бўлиши ривоятларда келтирилган. Аввалги улуғ инсонларни хатмоналарда астойдил дуо қилганликлари собит бўлган. Жумладан:

Доримий ва Ибн Абу Довудлар саҳиҳ санад билан ривоят қиладилар: Ибн Аббос розияллоғу анҳу бир кишини тайинлаб қўядилар. У киши Қуръон ўқиётган кишини кузатиб туриб, хатм вақтида у зотга билдириб қўярди.

Сўнг у зот ана шу жойга етиб келардилар. Мужоҳиддан қилинган саҳиҳ ривотларига кўра, аввалгилар хатми Қуръон вақтида тўпланардилар ва «Бу вақт раҳмат нозил бўлади», деб айтардилар...

Жаҳрий намозларда хатми Қуръон қилишни жоиз ҳисобламайдиганлар эса ўз фикрларини қуйидагича далиллайдилар:

Бу иш Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва саҳобалар даврида қилинмаган.

Фарз намозларда замга яхлит битта сура ўқиган афзал. Мазкур ишда ушбу афзаллик тарк қилинади.

Кўп ҳолларда жамоатда Қуръони Каримни тўлиқ ёд билган ҳофизлар бўлмайди. Бу эса баъзи ҳолатларда имомни адашган жойида луқма ташлаб тузатиб қўйиш имконини йўқотади, натижада ҳатто намозга путур етиши мумкин.

Мўътабар фикҳий китобларда келтирилган маълумотлар ва томонларнинг далилларига суянган ҳолда жаҳрий намозда хатм қилиш борасида қуйидагиларни хулоса қилиш мумкин:

- Қуръони Каримни жаҳрий фарз намозларда хатм қилиш Росулulloҳ соллalloҳу алайҳи васаллам ва саҳобалардан ривоят қилинмаган бўлсада, шариатнинг умумий қоидаларига зид эмас;

- Сураларни бўлиб ўқиш жоизлиги;

- Фарз намозларда икки ёки ундан кўп сурани бир ракъатда жамлаб ўқимаган афзал, жамлаб ўқиса ҳам, намозга путур етмайди;
- Хатмонада биринчи ракъатга Ан-Нас сурасини, кейинги ракъатга Бақара сурасининг бошидан ўқиш афзал;
- Вақф ва ибтидо қоидаларига амал қилиш зарур. Рукуъларда маънони эътиборга олиш керак. Қори вақф ва ибтидо қоидаларига риоя қилмаса, фарз намозларида хатм қилиши дуруст эмас.
- Қироатни жамоатга малол келтирадиган даражада чўзмаслик лозим.

Валлоҳу аълам.

[1] Шайхул Ислом деганда, ибн Обидин Абу Бакр Хоҳарзода ирода қилинади. Қураший айтишича, Али ибн Муҳаммад ал-Исбийжобий ирода қилинади. (Ал-Мазҳабу-л-ҳанафий).

[2] Ибн Обидин. Раддул-муҳтор. Байрут: Дарул-кутуби-л-илмийя, 1994. -Б. - 268-269.

[3] Бадриддин Айний. Умдату-л-қорий. Байрут, Дору-л-фикр. 2005. -Ж. -4. - 6. -489-490.

Абдурахмонов Ихтиёржон

Ислом университети магистри